# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

**№ 28/10 - сонли**

Янгийўл туман "28" Октябр 2022 йил

"Тошкент вилояти Янгийўл тумани ободонлаштириш бошкармаси (кейинги ўринда "*буюртмачи*") номидан Устав асосида иш юритувчи директор **М.Тулаганов** бир томондан ва " кейинги ўринларда "*пудратчи*")номидан Устав асосида иш юритувчи директор Т.Холмухамедов иккинчи томондан, бюджет маблаглари ҳисобидан Тошкент вилояти Янгийўл тумани Ғалаба мфй сида жойлашган нуронийлар ва ёшлар истирохат боғида ободонлаштириш кўкаламзорлаштириш хамда сугориш ишларига доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 августдаги "Давлат харидлари тўғрисидаги"ги 684-сонли қонунига асосан xarid.uzex.uz махсус ахборот портали орқали (Лот рақами 22110012161658) эълон қилинган ва Янгийўл туман Ободонлаштириш бошқармасининг харид комиссиясининг 2022 йил 25 октябрдаги баённомасига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

## I.ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект жорий таъмирлашга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича *буюртмачи* томонидан *пудратчи*га ажратилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

## II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. *Пудратчи* мазкур шартнома бўйича объектда ободонлаштириш ва кукаламзорлаштириш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, *буюртмачи* эса *пудратчи*га ободонлаштириш ва кукаламзорлаштириш ишлари ни ўз вактида қабул қилиш ва молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджет маблаглари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. *Буюртмачи* томонидан молиялаштирилаётган қурилиш нархи тасдиқланган манзилли дастурда ажратилган маблаг бўйича аниқланади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича объектда бажариладиган ишлар қиймати барча ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда амалдаги нархларда **273 106 251 (Икки юз етмиш уч миллион бир юз олти минг икки юз эллик бир)** сўмни ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- объектнинг жорий таъмирлашишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми *буюртмачи* томонидан ўзгартирилганда;

3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар *буюртмачи* билан *пудратчи* ўртасидаги шартномага қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича *пудратчи* шартноманинг II-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин;

-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари *Пудратчи* томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни мазкур объектнинг айрим харажатлари бўйича қурилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида *буюртмачининг* рухсати билан йўналтириши мумкин;

-объектнинг ижро хужжатларини расмийлаштириш ва *буюртмачи*га топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

-шартнома шартларига асосан объектни *буюртмачи*га тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

-*пудратчи* қурилиш давомида смета ҳужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни аниқласа, бу тўғрида *буюртмачи*га хабар бериши шарт;

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан қурилиш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни *Буюртмачи*га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

-мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, транспорт воситалари, анжомлар, қурилиш материаллари, буюмлар вақтинчалик бинолардан бўшатади;

-қурилиш майдони қўриқланишини таъминлайди;

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. *Пудратчи* мазкур шартнома бўйича барча ишларни сифатли бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун *буюртмачи* олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

4.3. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача *пудратчи* жорий таъмирлаш ишларини бажарилишини қайд этиш дафтарини юритади. Агар *буюртмачи* ишларнинг бориши ва сифатидан ёки *пудратчи*нинг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

4.4. *Пудратчи* дафтарда *буюртмачи* томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун *буюртмачи*:

-ишлар бажарилиши устидан мазкур шартномада қайд этилган *пудратчи* томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, *пудратчидан* тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

-*пудратчининг* барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

-молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджетмаблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан белгиланган ишлар қийматининг **30 фоизи миқдорида бўнак (аванс) бериш** ва ҳар ойда ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 100 фоизигача жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

-5 кунлик муддат ичида *пудратчи* томонидан тақдим қилинган ҳисоб-фактураларни расмийлаштириб беришни ўз зиммасига олади. Агарда тақдим қилинган ҳужжатларда камчиликлар аниқланса уларни кўрсатган ҳолда *пудратчига* қайтариб беради.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. *Пудратчи* мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Мазкур шартнома бўйича жорий таъмирлаш ишларининг муддати бажариш жадвали бўйича амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАР

7.1. *Буюртмачипудратчи*га шартноманинг 2-иловасига мувофик бўнак(аванс) маблаги ўтказади.

7.2. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган "Маълумотнома-ҳисоб-фактура"га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблагининг ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар миқдоридан фоиз ҳисобида тақсимланган ҳолда ушлаб қолиб, амалга оширилади.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. *Буюртмачи* объектда ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлайди, у *буюртмачининг* номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек *Пудратчи* томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. *Пудратчи* таъмирлаш даврида *буюртмачининг* вакилини (техник кузатувчини) вақтинчалик яшаш жойидан таъмирланадиган йўл қисмигача бориб келишига транспорт, объектда иш жойи билан таъминлашни ўз зиммасига олади.

8.3. *Пудратчи* объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини бажариш ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни *буюртмачи* томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан объектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни *буюртмачига* топширади.

8.4. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда шартнома амал қилиш муддатидан кечикмаган холда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади .

8.5. *Пудратчи* ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.6. Пудратчи ишларни смета ҳужжатларига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.7. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади.

Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар кайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.8. *Пудратчибуюртмачининг* қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу хақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.9. Агар *буюртмачипудратчи* ва (ёки) унинг ёрдамчи *Пудратчи*лари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда *Пудратчи* ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

## IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. *Пудратчи* таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва жорий таъмирлаш тугалланган объект *буюртмачи* томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

## X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулотда вазиятлар, фавқулотда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч, ер қимирлаши, сув тошқини, кўчки ва ҳоказо) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

*Пудратчи*нинг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, *Пудратчи*да зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда *Пудратчи* ва *Буюртмачи* ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек жорий таъмирлаш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

11.2. Объектда жорий таъмирлаш ишлари тугаллангандан сўнг:

1). Маҳаллий ички хўжалик йўлларини қуриш ва таъмирлаш объектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўказилади;

*Бунда, Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган стандартларга мувофиқ махсус лицензияга эга, лаборатория синовлари қурилиш соҳасидаги амалда бўлган меъёрий хужжатлар, қурилиш нормалари ва қоидалари бўйича фаолият юритадиган. Маҳаллий ички хўжалик йўллари қуриш ва таъмирлаш объектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўказишга ихтисослашган, кўп йиллик тажрибага эга корхона (ташкилот, муассаса, жамият)ларнинг Лаборатория синов натижалари бўйича хулосаларини олиш талаб қилинади.*

2).. Пудратчи ташкилоти томонидан тугалланган объектни қабул қилиб олиш учун тегишли хужжатларни расмийлаштиради ва буюртмачига хабарнома юборади;

3). ***Ички йўлларни жойларда фойдаланишга қабул қилиш юзасидан тузилган ишчи гуруҳ*** томонидан фойдаланишга қабул қилинганидан сўнг, Буюртмачи томонидан якуний хисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

11.3. *Пудратчи* ташкилот ишчи гуруҳига қуйидаги хужжатларни тақдим этади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;
- қабул қилишга тақдим этилган йўлнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;
- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;
- йўл-қурилиш материаллари ва йўл тўшамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупроқ жинслари) синовлари журналлари, мувофиқлик сертификатлари;
- 11.4. *Пудратчи* жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ *буюртмачигабуюртмачи* томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. *Пудратчибуюртмачига* ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.5. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йўлнинг ваколатли органи балансига ўтади.

## XII. КАФОЛАТЛАР

12.1. *Пудратчи:*

барча ишлар тўлиқ хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

смета хужжатларига, шахарсозлик нормалари ва қоидалари хамда техник шартларга мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз хисобидан бартараф этишини;

12.2. Объектда бажарилган ишларнинг кафолатли муддати томонлар жорий таъмирлаш тугалланган объектни кабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у холда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар *пудратчи* томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари *пудратчи* ва *буюртмачининг* икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар *пудратчи* бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган қонун ва меъёрий хужжатларга асосан жавобгарликка тортиш тўғрисида ўрнатилган тартибда қонунни мухофаза қилувчи муассасаларга мурожаат қилиш хуқуқига эга.

## XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

13.1. *Буюртмачи:*

-шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши *буюртмачига* боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра *пудратчи* томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати *Пудратчи*нинг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда;

-*Пудратчи* томонидан шартнома шартлари шахарсозлик нормалари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

13.2. *Пудратчи:*

-ишларнинг бажарилишни *пудратчига* боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра *Буюртмачи* томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

-*буюртмачи* томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

-қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

13.3. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон ушбу бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.4. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.5. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

## XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси

тўғрисида"ги 670-сонли Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида, ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Жорий таъмирлаш ишларини олиб бораётган *пудратчи* ташкилот қонунчиликка ва ушбу шартномага мувофиқ *буюртмачи* олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

-сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

-объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалланмаганлиги;

-*буюртмачи* билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ишлари муддатларини бузилиши;

- жорий таъмирлаш жараёнида ёки оралиқ қабул қилишда *Пудратчи*, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суриш;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун *буюртмачи пудратчига* кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни *Буюртмачи*ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

14.3. *Пудратчи* томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса, *пудратчибуюртмачига* муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш *Пудратчи*ни ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.4. *БуюртмачиПудратчи*нинг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида *Буюртмачи*га қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, *Буюртмачи* ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

14.5. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиши давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судида эътироз тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

15.2.Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни (давлат органи ёки ташкилотнинг ва ҳ.к.) ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиг ёки имконлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олиш учун қуйидаги ҳаракатларни қилмайди: пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш, товламачилик қилиш; пора сифатида пул тўлаш; бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш. Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

## XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган тарафлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. *Пудратчи* қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини *буюртмачининг* ёзма рухсатисиз, ёрдамчи *пудратчилардан* ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. *Буюртмачи* билан *пудратчи* ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар, ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

16.6. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

16.7. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

## XVII. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

17.1. Шартнома амал қилиш муддати Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

## XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари.

| Буюртмачи: | Пудратчи: |
|---|---|
| Янгийўл тумани ободонлаштириш бошқармаси | «MEHNATKASH» МЧЖ |
| Ахил ИФО Самарқанд кўч | Тошкент вилояти Янгийул шахар Ниязбаш кучаси 12-уй |
| х/р 100022860272597065200110005 | В Головном офисе НБ ВЭД РУз |
| Тош. ш. Марказий банк | Х/Р:20208000404130297001 |
| МФО 00014 ИНН 206105483 | МФО:00450 ИНН: 203658827 |
| | Тел: +998 97 330 91 91 |
| Ш. Тулаганов | Раҳбар: Т. Холмухамедов |
| | М.У. (имзо) |

"BROTHER'S GROUP" MCHJ

# JORIY NARXLARDA TAVSIYA ETILGAN TAXMINIY QIYMATI

Toshkent viloyati Yangiyo'l tumani G'alaba M.F.Y. sida joylashgan nuroniylar va yoshlar istiroxat bog'ida obodonlashtirish, ko'kalamzorlashtirish hamda sug'orish ishlari

## SMETA XUJJATLARI

/joriy narxlarda tavsiya etilgan qiymat/

Yangiyo'l - 2022.

Форма 4

# " ЯНГИЙУЛ ТУМАНИ ГАЛАБА М.Ф.Й. СИДА ЖОЙЛАШГАН НУРОНИЙЛАР ВА ЁШЛАР ИСТРОХОТ БОҒИДА ОБОДОНЛАШТИРИШ, КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ХАМДА СУҒОРИШ ИШЛАРИ"

## СВОДНАЯ ТАБЛИЦА

| № п/п | Наименование расходов | Стоимость в текущих ценах |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| | | |
| | **Общая стоимость строительно-монтажных работ** | |
| 1 | ЗАТРАТЫ НА ОБОРУДОВАНИЕ,МЕБЕЛЬ,ИНВЕНТАРЬ | 4998000 |
| 2 | ЗАТРАТЫ НА СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ, ИЗДЕЛИЯ И КОНСТРУКЦИИ | 106 547 451 |
| 3 | ЗАТРАТЫ НА ОСНОВНУЮ ЗАРАБОТНУЮ ПЛАТУ С СТРАХОВАНИЕМ 12% | 78 080 647 |
| 4 | ЗАТРАТЫ НА ЭКСПЛУАТАЦИЮ МАШИН И МЕХАНИЗМОВ | 11 700 492 |
| 5 | **ИТОГО ПРЯМЫЕ ЗАТРАТЫ:** | 201 326 590 |
| 6 | ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ И РАСХОДЫ ПОДРЯДЧИКА-19% | 37302432 |
| 8 | ИТОГО СТОИМОСТЬ СТРОИТЕЛЬСТВА В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ | 238629022 |
| 9 | НДС-15% | 35794353 |
| 10 | **ИТОГО С НДС** | 274423375 |

**ВЫПОЛНИЛ:** Усмонов Ф. [signature]

BROTHER'S GROUP

«NURAFSHON LOYIHA EKSPERTIZA» MCHJ
Manzil: Toshkent shahar, Qushbegi 12a, Тел./Факс: 99404 85 85 x/r 20208000105014612700l
O`zR TIF Milliy banki Yakkasaroy filali MFO 00870 /INN. 306696103/OKED 41100

GUVOHNOMA № QLE-000063 «06» fevral 2021y.

Tasdiqlayman
Rahbar
OOO «NURAFSHON LOYIHA EKSPERTIZA»
_________ Sarimsakov Sh.K.

Toshkent

«19» iyul 2022 y.

# Yig`ma ekspertiza xulosasi № Э-09/09-22

Ob'ektning shartnomaviy joriy narxlarda boshlang'ich qiymatini hisoblash bo`yicha

## Toshkent viloyati, Yangiyo`l tumani, Galaba MFYsida joylashgan Nuroniylar va yoshlar istiroxat bog`ida obodonlashtirish, ko`kalamzorlashtirish hamda sug`orish ishlari

**Buyurtmachi:** "Mehnatkash" MCHJ
**Bosh loyihachi:** «BROTHER'S GROUP» MCHJ (28.04.2021 yildagi AL-001763 sonli lisenziya)
**Moliyalashtirish manbayi:** Buyurtmachining shaxsiy puli
**Bosh pudratchi:** Tanlov asosida aniqlanadi
**Qurilish turi:** Yangi qurilish

**I. Loyiha uchun asos.**
1.1. Buyurtmachi tamonidan tasdiqlangan loyihalashtirish nuqson dalolatnomasi.

**II. Ekspertiza uchun taqdim qilingan hujjatlar.**
2.1. Lokal va resurs smeta

**III. Loyiha echimining qisqacha mazmuni.**

**3.1. Asosiy loyiha yechimlari**

Joriy narxlarda ob'ekt boshlang'ich qiymatini hisoblash miqdori 244 752,525 ming so`m QQS siz, 281 465,404 ming so`m QQS va buyurtmachining xarajatlari bilan.

Jumladan:
Ish xaqi xarajatlari – 78 080,647 ming so`m
Mashina mehanizim xarajatlari – 11 700,492 ming so`m
Qurilish materiallari narxi atransport xarajatlaribilan birga – 11 693,252 ming so`m
Asbob-uskunalar narxi transport xarajatlari bilan birga – 0,00
Kabel xarajatlari – 0,00
Pudratchining boshqa xarajatlari – 38 280,134
Ishlab chiqarish xarakteri xarajatlari – 0,00
Sug`urta xarajatlari – 0,00

Qurilish qiymati joriy narxlarda belgilandi, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2013 yil 11 iyundagi "Shartnomaviy joriy narxlarga o'tish to'g'risida"gi 261-sonli qarori asosida qilindi.

O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligining 30.06.2021 yildagi ma'lumotlariga ko'ra, soatiga o'rtacha oylik ish haqi ijtimoiy soliqni qo`shib hisoblanganda 24154,00 so'm Toshkent viloyati kesimida.

Qurilish materiallari narxi O'zbekiston Respublikasi davlat arxitektura va qurilish qo'mitasi ma'lumotlariga ko'ra olingan.

Transport xarajatlari resurs smetalari va avtomobil tashuvlari narxlariga muvofiq materiallar va uskunalar nomenklaturasi bo'yicha aniqlanadi. – 5%

Pudratchining boshqa xarajatlari – 19 % Toshkent viloyati kesimida.

IV. Loyihani kelishilganligi.

Buyurtmachi tomonidan talab va takliflar yo`q`.

V. Ekspertiza natijalari.

5.1. Ekspertiza jarayonida mutaxasislarning izohlariga muvofiq loyiha hujjatlariga quyidagi asosiy tuzatishlar va qo`shimchalar kiritiladi.

- qurilish materiallari narxi joriy katalokga asosan qayta ko'rib chiqildi;

Ekspertiza natijalariga ko`ra qo`chimcha qiymat solig`i (QQS) bilan 281 465,404 ming so`m miqdorda taqdim etilgan loyiha qiymati 7 042,029 ming so`mga kamaytirilib, 274 423,375 ming so`m qilib belgilandi.

5.2. Buyurtmachi loyiha xujjatlarini tasdiqlashdan oldin belgilangan tartibda barcha manfaatdor vakolatli organlar bilan kelishilishi lozim.

5.3. Ekspertizadan o`tqazish uchun taqdim etilgan loyiha hujjatlarining to'liqligi, ma'lumotlarning ishonchliligi yuzasidan buyurtmachi va qabul qilingan loyiha echimlari yuzasidan ishlab chiqaruvchi javobgar xisoblanadi.

VI. Xulosalar.

Ekspertiza natijalarini xisobga olgan holda "Toshkent viloyati, Yangiyo`l tumani, Galaba MFYsida joylashgan Nuroniylar va yoshlar istiroxat bog`ida obodonlashtirish, ko`kalamzorlashtirish hamda sug`orish ishlari" ob'ekti 274 423,375 ming so`m (QQS bilan) qurilish tan narhi bilan kelgusida ko`rib chiqsh va tasdiqlashga tavsiya etiladi.

Ijrochi mutahasis Qodirov F.

*Ishtirok etgan mutahassislar:*
*Erkaboev G.*

(наименование стройки)

## ЛОКАЛЬНАЯ РЕСУРСНАЯ ВЕДОМОСТЬ №

(локальная ресурсная смета)

на ДОРОЖНЫЕ РАБОТЫ

(наименование работ и затрат, наименование объекта)

Основание:

| № п.п. | Шифр номера нормативов и коды ресурсов | Наименование работ и затрат | Единица измерения | Количество: на ед. измерения | Количество: по проектным данным |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | | **РАЗДЕЛ 1. ДОРОЖНАЯ ОДЕЖДА** | | | |
| 1 | L0102-027-02 | ПЛАНИРОВКА ПЛОЩАДЕЙ МЕХАНИЗИРОВАННЫМ СПОСОБОМ, ГРУППА ГРУНТОВ 2 | 1000М2 | 0,9640 | |
| 1.1 | 3 | ЗАТРАТЫ ТРУДА МАШИНИСТОВ | ЧЕЛ-Ч | 1,1 | 1,0601 |
| 1.2 | 107 | АВТОГРЕЙДЕРЫ СРЕДНЕГО ТИПА 99 (135) КВТ (LS) | МАШ-Ч | 0,43 | 0,41452 |
| 2 | L2704-003-06 ДОП. 4 | УСТРОЙСТВО ОСНОВАНИЙ И ПОКРЫТИЙ ИЗ ПЕСЧАНО-ГРАВИЙНЫХ СМЕСЕЙ ДВУХСЛОЙНЫХ НИЖНИЙ СЛОЙ ТОЛЩИНОЙ 12 СМ | 1000М2 | 0,9640 | |
| 2.1 | 1 | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ-Ч | 23,4 | 22,5576 |
| 2.2 | 3 | ЗАТРАТЫ ТРУДА МАШИНИСТОВ | ЧЕЛ-Ч | 16,05 | 15,4722 |
| 2.3 | 107 | АВТОГРЕЙДЕРЫ СРЕДНЕГО ТИПА 99 (135) КВТ (LS) | МАШ-Ч | 1,42 | 1,36888 |
| 2.4 | 112 | АВТОПОГРУЗЧИКИ 5 Т | МАШ-Ч | 5,92 | 5,70688 |
| 2.5 | 1135 | МАШИНЫ ПОЛИВОМОЕЧНЫЕ 6000 Л | МАШ-Ч | 1,41 | 1,3596 |
| 2.6 | 2815 | КАТКИ ДОРОЖНЫЕ САМОХОДНЫЕ КОМБИНИРОВАННЫЕ 13 Т HAMM ND 110 S/N | МАШ-Ч | 2,44 | 2,35216 |
| 2.7 | 3093 | КАТКИ ДОРОЖНЫЕ САМОХОДНЫЕ КОМБИНИРОВАННЫЕ БОЛЬШИХ ТИПОРАЗМЕРОВ ТИПА КАТКОВ ФИРМЫ "BOMAG" С РАБОЧЕЙ МАССОЙ ОТ 8,8 ДО 9,2 Т | МАШ-Ч | 3,95 | 3,8078 |
| 2.8 | 9219 | ВОДА | М3 | 10,5 | 10,122 |
| 2.9 | 12303 | ГРАВИЙНО-ПЕСЧАНАЯ СМЕСЬ | М3 | 157 | 151,348 |
| 3 | E2704-003-08 ДОП. 7 К=3 | НА КАЖДЫЙ 1 СМ ИЗМЕНЕНИЯ ТОЛЩИНЫ СЛОЯ ДОБАВЛЯТЬ К НОРМАМ С 27-04-003-05 ПО 27-04-003-07 | 1000 М2 ОСНОВАНИЯ ИЛИ ПОКРЫТИЯ | 0,9640 | |
| 3.1 | 3 | ЗАТРАТЫ ТРУДА МАШИНИСТОВ | ЧЕЛ-Ч | 1,65 | 1,5906 |
| 3.2 | 2815 | КАТКИ ДОРОЖНЫЕ САМОХОДНЫЕ КОМБИНИРОВАННЫЕ 13 Т HAMM ND 110 S/N | МАШ-Ч | 0,75 | 0,723 |
| 3.3 | 3093 | КАТКИ ДОРОЖНЫЕ САМОХОДНЫЕ КОМБИНИРОВАННЫЕ БОЛЬШИХ ТИПОРАЗМЕРОВ ТИПА КАТКОВ ФИРМЫ "BOMAG" С РАБОЧЕЙ МАССОЙ ОТ 8,8 ДО 9,2 Т | МАШ-Ч | 0,9 | 0,8676 |
| 3.4 | 12303 | ГРАВИЙНО-ПЕСЧАНАЯ СМЕСЬ | М3 | 37,98 | 36,61272 |
| 4 | E2704-001-02 | УСТРОЙСТВО ПОДСТИЛАЮЩИХ И ВЫРАВНИВАЮЩИХ СЛОЕВ ОСНОВАНИЙ ИЗ ПЕСЧАНО-ГРАВИЙНОЙ СМЕСИ | 100М3 | 6,8645 | |
| 4.1 | 1 | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ-Ч | 14,4 | 98,849 |
| 4.2 | 3 | ЗАТРАТЫ ТРУДА МАШИНИСТОВ | ЧЕЛ-Ч | 14,3 | 98,162 |
| 4.3 | 107 | АВТОГРЕЙДЕРЫ СРЕДНЕГО ТИПА 99 (135) КВТ (LS) | МАШ-Ч | 1,55 | 10,640 |
| 4.4 | 626 | КАТКИ ДОРОЖНЫЕ САМОХОДНЫЕ НА ПНЕВМОКОЛЕСНОМ ХОДУ 30 Т | МАШ-Ч | 7,08 | 48,601 |
| 4.5 | 1135 | МАШИНЫ ПОЛИВОМОЕЧНЫЕ 6000 Л | МАШ-Ч | 0,91 | 6,247 |
| 4.6 | 9219 | ВОДА | М3 | 7 | 18,052 |
| 4.7 | 12739 | ГРАВИЙНО-ПЕСЧАНАЯ СМЕСЬ | М3 | 122 | 837,459 |
| 5 | E2704-001-04 | УСТРОЙСТВО ПОДСТИЛАЮЩИХ И ВЫРАВНИВАЮЩИХ СЛОЕВ ОСНОВАНИЙ ИЗ ЩЕБНЯ | 100М3 | 2,52 | |
| 5.1 | 1 | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ-Ч | 21,6 | 54,430 |
| 5.2 | 3 | ЗАТРАТЫ ТРУДА МАШИНИСТОВ | ЧЕЛ-Ч | 19,72 | 49,747 |
| 5.3 | 107 | АВТОГРЕЙДЕРЫ СРЕДНЕГО ТИПА 99 (135) КВТ (LS) | МАШ-Ч | 1,79 | 4,516 |
| 5.4 | 626 | КАТКИ ДОРОЖНЫЕ САМОХОДНЫЕ НА ПНЕВМОКОЛЕСНОМ ХОДУ 30 Т | МАШ-Ч | 12,21 | 30,802 |
| 5.5 | 1135 | МАШИНЫ ПОЛИВОМОЕЧНЫЕ 6000 Л | МАШ-Ч | 0,91 | 2,293 |
| 5.6 | 9219 | ВОДА | М3 | 7 | 17,659 |
| 5.7 | 43113 | ЩЕБЕНЬ | М3 | 126 | 317,856 |
| 6 | E2706-026-01 | РОЗЛИВ ВЯЖУЩИХ МАТЕРИАЛОВ С ДОВОЗОМ 60 КМ | Т | 4,20 | |
| 6.1 | 3 | ЗАТРАТЫ ТРУДА МАШИНИСТОВ | ЧЕЛ-Ч | 0,58 | 2,439 |
| 6.2 | 108 | АВТОГУДРОНАТОРЫ 3500 Л | МАШ-Ч | 1,67 | 7,021 |
| 6.3 | 20137 | ЭМУЛЬСИЯ БИТУМНАЯ | Т | 1,03 | 4,331 |
| 7 | E2713-010-01 ДОП. 9 | УСТРОЙСТВО ПОКРЫТИЯ ИЗ ГОРЯЧИХ ПОРИСТЫХ МЕЛКОЗЕРНИСТЫХ АСФАЛЬТОБЕТОННЫХ СМЕСЕЙ АСФАЛЬТОУКЛАДЧИКАМИ ТИПА "VOGELE" ПРИ ШИРИНЕ УКЛАДКИ ДО 6 М И ТОЛЩИНОЙ СЛОЯ 4 СМ | 1000 М2 | 8,7465 | |
| 7.1 | 1 | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ-Ч | 16,63 | 145,454 |
| 7.2 | 3 | ЗАТРАТЫ ТРУДА МАШИНИСТОВ | ЧЕЛ-Ч | 9,38 | 82,042 |
| 7.3 | 1135 | МАШИНЫ ПОЛИВОМОЕЧНЫЕ 6000 Л | МАШ-Ч | 0,5 | 4,373 |
| 7.4 | 3097 | УКЛАДЧИКИ АСФАЛЬТОБЕТОНА ТИПА "VOGELE" С ШИРИНОЙ УКЛАДКИ ДО 6,5 М | МАШ-Ч | 1,41 | 12,333 |
| 7.5 | 3348 | КАТКИ САМОХОДНЫЕ ДОРОЖНЫЕ ВИБРАЦИОННЫЕ ТИПА "DYNAPAC", "HAMM", "BOMAG", 8 Т | МАШ-Ч | 3,08 | 26,939 |
| 7.6 | 3349 | КАТКИ САМОХОДНЫЕ ДОРОЖНЫЕ ВИБРАЦИОННЫЕ ТИПА "DYNAPAC", "HAMM", "BOMAG", 10 Т | МАШ-Ч | 1,37 | 11,983 |
| 7.7 | 3350 | КАТКИ САМОХОДНЫЕ ДОРОЖНЫЕ ВИБРАЦИОННЫЕ ТИПА "DYNAPAC", "HAMM", "BOMAG", 13 Т | МАШ-Ч | 1,55 | 13,557 |
| 7.8 | 6076 | АСФАЛЬТОБЕТОННАЯ СМЕСЬ ПЛОТНАЯ МЕЛКОЗЕРНИСТАЯ | Т | 96,9 | 847,912 |
| 7.9 | 9219 | ВОДА | М3 | 0,9 | 7,872 |
| 8 | E2713-011-01 ДОП. 9 К=2 | ПРИ ИЗМЕНЕНИИ ТОЛЩИНЫ ПОКРЫТИЯ НА 0,5 СМ ДОБАВЛЯТЬ К НОРМЕ 27-13-010-01 | 1000 М2 | 8,7465 | |
| 8.1 | 1 | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ-Ч | 1,16 | 10,145 |
| 8.2 | 3 | ЗАТРАТЫ ТРУДА МАШИНИСТОВ | ЧЕЛ-Ч | 0,72 | 6,297 |
| 8.3 | 3097 | УКЛАДЧИКИ АСФАЛЬТОБЕТОНА ТИПА "VOGELE" С ШИРИНОЙ УКЛАДКИ ДО 6,5 М | МАШ-Ч | 0,36 | 3,149 |
| 8.4 | 6076 | АСФАЛЬТОБЕТОННАЯ СМЕСЬ ПЛОТНАЯ МЕЛКОЗЕРНИСТАЯ | Т | 24,22 | 211,840 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 9 | Е2708-001-01 | УСТРОЙСТВО ПОКРЫТИЯ ИЗ ГОРЯЧИХ ПЛОТНЫХ МЕЛКОЗЕРНИСТЫХ АСФАЛЬТОБЕТОННЫХ СМЕСЕЙ БЕЗ ПРИМЕНЕНИЕ АСФАЛЬТОУКЛАДЧИКОМ ТОЛЩИНОЙ СЛОЯ 5 СМ | 1000М2 | 0,1200 | |
| 9.1 | 1 | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ.-Ч | 80,8 | 9,69 |
| 9.2 | 464 | ГУДРОНАТОРЫ РУЧНЫЕ | МАШ.-Ч | 2,52 | 0,302 |
| 9.3 | 621 | КАТКИ ДОРОЖНЫЕ САМОХОДНЫЕ ГЛАДКИЕ 8 Т | МАШ.-Ч | 14,7 | 1,76 |
| 9.4 | 623 | КАТКИ ДОРОЖНЫЕ САМОХОДНЫЕ ГЛАДКИЕ 13 Т | МАШ.-Ч | 23,4 | 2,80 |
| 9.5 | 6076 | СМЕСЬ АСФАЛЬТОБЕТОННАЯ | Т | 120 | 14, |
| | | **ИТОГО ПО ЛОКАЛЬНОЙ РЕСУРСНОЙ ВЕДОМОСТИ:** | | | |
| | | **ТРУДОВЫЕ РЕСУРСЫ** | | | |
| 1 | 1 | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ.-Ч | | 341,19 |
| 2 | 3 | ЗАТРАТЫ ТРУДА МАШИНИСТОВ | ЧЕЛ.-Ч | | 256,81 |
| | | **СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАШИНЫ И МЕХАНИЗМЫ** | | | |
| 3 | 107 | АВТОГРЕЙДЕРЫ СРЕДНЕГО ТИПА 99 (135) КВТ (ЛС) | МАШ.-Ч | | 16,93 |
| 4 | 108 | АВТОГУДРОНАТОРЫ 3500 Л | МАШ.-Ч | | 2,02 |
| 5 | 112 | АВТОПОГРУЗЧИКИ 5 Т | МАШ.-Ч | | 5,70 |
| 6 | 464 | ГУДРОНАТОРЫ РУЧНЫЕ | МАШ.-Ч | | 0,30 |
| 7 | 621 | КАТКИ ДОРОЖНЫЕ САМОХОДНЫЕ ГЛАДКИЕ 8 Т | МАШ.-Ч | | 1,76 |
| 8 | 623 | КАТКИ ДОРОЖНЫЕ САМОХОДНЫЕ ГЛАДКИЕ 13 Т | МАШ.-Ч | | 2,80 |
| 9 | 676 | КАТКИ ДОРОЖНЫЕ САМОХОДНЫЕ НА ПНЕВМОКОЛЕСНОМ ХОДУ 30 Т | МАШ.-Ч | | 79,40 |
| 10 | 1135 | МАШИНЫ ПОЛИВОМОЕЧНЫЕ 6000 Л | МАШ.-Ч | | 11,26 |
| 11 | 2845 | КАТКИ ДОРОЖНЫЕ САМОХОДНЫЕ КОМБИНИРОВАННЫЕ 13 Т HAMM HD 110 S/N | МАШ.-Ч | | 3,07 |
| 12 | 3095 | КАТКИ ДОРОЖНЫЕ САМОХОДНЫЕ КОМБИНИРОВАННЫЕ БОЛЬШИХ ТИПОРАЗМЕРОВ ТИПА КАТКОВ ФИРМЫ "BOMAG" С РАБОЧЕЙ МАССОЙ ОТ 8,8 ДО 9,2 Т | МАШ.-Ч | | 4,67 |
| 13 | 3097 | УКЛАДЧИКИ АСФАЛЬТОБЕТОНА ТИПА "VOGELE" С ШИРИНОЙ УКЛАДКИ ДО 6,5 М | МАШ.-Ч | | 15,7 |
| 14 | 3348 | КАТКИ САМОХОДНЫЕ ДОРОЖНЫЕ ВИБРАЦИОННЫЕ ТИПА "DYNAPAC", "HAMM", "BOMAG", 8 Т | МАШ.-Ч | | 26,9 |
| 15 | 3349 | КАТКИ САМОХОДНЫЕ ДОРОЖНЫЕ ВИБРАЦИОННЫЕ ТИПА "DYNAPAC", "HAMM", "BOMAG", 10 Т | МАШ.-Ч | | 11,98 |
| 16 | 3350 | КАТКИ САМОХОДНЫЕ ДОРОЖНЫЕ ВИБРАЦИОННЫЕ ТИПА "DYNAPAC", "HAMM", "BOMAG", 13 Т | МАШ.-Ч | | 13,55 |
| | | **МАТЕРИАЛЬНЫЕ РЕСУРСЫ** | | | |
| 17 | 6076 | АСФАЛЬТОБЕТОННАЯ СМЕСЬ ПЛОТНАЯ МЕЛКОЗЕРНИСТАЯ | Т | | 1671,15 |
| 18 | 9219 | ВОДА | М3 | | 85,71 |
| 19 | 12307 | ГРАВИЙНО-ПЕСЧАНАЯ СМЕСЬ | М3 | | 1020,610 |
| 20 | 30137 | ЭМУЛЬСИЯ БИТУМНАЯ | Т | | 4,331 |
| 21 | 45113 | ЩЕБЕНЬ | М3 | | 317,85 |

СОСТАВИЛ ________ ВАЛИЕВ Б

## Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 161658 на приобретение Тошкент вилояти Янгийул тумани Галаба МФЙисида жойлашган нуронийлар ва ёшлар истирохат богида ободонлаштириш, кукаламзорлаштириш хамда сугориш ишлари буйича

Способ проведения электронный

Дата 25.10.2022

Время рассмотрения 25.10.2022 13:05

Закупочная комиссия Янгийул тумани Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| Председатель комиссии | TULAGANOV MAMAYNUS ABTIGALIYEVICH | Рахбар | Ободонлаштириш |
| Секретарь комиссии | MAXMUDOVA MAVLYUDA NURIDINOVNA | Экономист | Ободон |
| Член комиссии | Elmurodov Husniddin Baxtiyorovich | Bosh muxandis | Azo |
| Член комиссии | ERGASHEV SHAXZOD SHUXRAT O'G'LI | техника | Янгийул Ободон бошкармаси |
| Член комиссии | URAZBAYEV XUSAN MIRZABAYEVICH | Булим бошлиги | Ободон |
| Член комиссии | XALIKNAZAROVA IRODAXON INAMITDINOVNA | Xisobchi | Obodonlashtirish |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 25.10.2022 года № лота 161658.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| Наименование товара (работы, услуги) | Услуги по благоустройству территории |
| Подробное описание | Галаба |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 274 423 375.00 |
| Стартовая сумма | 274 423 375.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Солик ва бошка йигимлардан карздорлиги йуклиги тугрисида маьлумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Буюртмачи тавсифи

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MEHNATKASH МЧЖ | 25 | солик ва банкдан маълумотнома | 25 | Экспертная | | |
| OMAD FAYZ BARAKA INVEST МКТХК | 25 | Справка от налоговой | 20 | Экспертная | | |

Критерий №2 Бажариладиган иш хизматлар сифати кафолати

Тип: Текстовое значение

Описание: Буюртмачи тавсифи

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MEHNATKASH МЧЖ | 25 | кафолат хати | 25 | Экспертная | | |
| OMAD FAYZ BARAKA INVEST МКТХК | 25 | Кафолат | 22 | Экспертная | | |

Критерий №3 Ташкилот ишчи ходимлари мутахассислар тугрисида маьлумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Буюртмачи тавсифи

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MEHNATKASH МЧЖ | 25 | 1 ва 3-шакллар | 25 | Экспертная | | |
| OMAD FAYZ BARAKA INVEST МКТХК | 25 | 2-шакл | 23 | Экспертная | | |

Критерий №4 Ташкилот гувохномаси корхона тугрисида тулик маьлумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Буюртмачи тавсифи

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MEHNATKASH МЧЖ | 25 | 2-шакл | 25 | Экспертная | | |
| OMAD FAYZ BARAKA INVEST МКТХК | 25 | Устав и свидетельство | 19 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**
Янгийўл туман Ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи
_____________М.Тулаганов

**Б А Ё Н Н О М А №28/10**

Янгийул тумани "28" 10 2022 йил

Раислик қилувчи: М.Тулаганов

Янгийўл туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи

Қатнашчилар: комиссия аъзолари

**КУН ТАРТИБИ**

Ғалаба МФЙ сида жойлашган нуронийлар ва ёшлар истироҳат боғида ободонлаштириш кўкаламзорлаштириш ва суғориш ишлари

2022 йил 25 октябрдаги Давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган "Янгийул туман Ободонлаштириш башкармасининг" баённомасига асосан эълон якунига кўра, комиссия аъзолари томонидан "MEHNATKASH" MCHJ ташкилоти ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб;

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги УРК, 684-сон Конуннинг 62-моддаси 3-бандига асосан баённома Давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 25 октябрдаги Баённомасига асосан "MEHNATKASH" MCHJ ташкилоти ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб, ташкилот билан қонунчиликка асосан шартнома расмийлаштирилсин.

Комиссия аъзолари:

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

SZ2427664203

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **Obodonlashtirish va ko‘kalamzorlashtirish**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: YANGIYO'L TUMAN "OBODONLASHTIRISH" BOSHQARMASI tomonidan 09.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yangiyo‘l tumanS.S.DJAMALOV yuridik markazi markaz rahbari:**10.11.2022